

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИДА ЧОЛҒУ КОНЦЕРТЛАРИ ВА ЧОЛҒУ АНСАМБЛЛАРИГА ХОС МУСИҚИЙ ШАКЛЛАР

**Базаров Мирзохид Мирзабахром ўғли**

Андижон давлат педагогика институти

“Муסיқа таълим” йўналиши ўқитувчиси

[mirzohidbazarov@gmail.com](mailto:mirzohidbazarov@gmail.com)

### Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон композиторлари яратган концерт жанридаги асарларини муסיқий-назарий таҳлил қилиниб, асарларда учрайдиган айрим муסיқий белгилар, улардан чолғу ижрочилигида фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш услублари ҳақида фикр юритилган. Илмий-ижодий нуқтаи назардан ҳар бир асарнинг умумий шаклини изоҳлаб, унинг экспозицияси, бош мавзуси, ёрдамчи мавзуси, боғловчи мавзу, каденция ва репризаларини ўрганиб таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Муסיқий асар, Композитор, Чолғу ижрочилиги, концерт, муסיқий шакл, Апликатура

XX аср бошларида ўзбек муסיқа тарихида барча муסיқий шакллар қатори чолғу концерт жанри ҳам ўз ўрнини эгаллай бошлади. Шу кунга қадар камер чолғу асарлари ва йирик шаклларга эга бўлган жанрлар орасида опера, симфония, муסיқали драма каби йирик асарларни марказий осие ва ғарб композиторлари ижодида кузатилади. Шу қатори, чолғу концерт жанри ҳам ўзбекистон композиторлари ижодида ўз кўламини топди.

Хусусан, ўзбек бастакорлик ижодиётининг айнан чолғу концерт жанри тарихида таниқли ижодкорлардан Г.Мушель, Б.Зейдман, М.Ашрафий,

А.Козловский, Ик.Акбаров, Р.Хамроев, А.Малахов, Р.Вильданов, С.Жалил, Б.Гиенко, М.Тожиев, Т.Қурбонов каби буюк дарғалар асарлари билан ўзбек мусиқа тарихида беназир из қолдирганлари ўзбек мусиқаси тарихидан яхши маълум. Шунингдек, ҳозирги кунда унумли ижод фаолиятини олиб бораётган ижодкорлардан Р.Абдуллаев, Х.Раҳимов, Ф.Алимов, М.Бафоев, А.Варелас, М.Маҳмудов, А.Мансуров, А.Хошимов, О.Абдуллаева, Х.Ҳасанова (Турсунова), А.Ҳасанов, Д.Зокировлар ўзбек мусиқасида ўзларининг ижод намуналари билан тарих зарварақларидан жой олишмоқда.

Бирламчи сўз ўрнида илмий мақолани Г.Мушелнинг XX асрнинг иккинчи ярмида ёзилган ва тингловчиларнинг эътирофига сазовор бўлган фортепиано ва оркестр учун концертларининг таҳлили билан бошлаймиз.

Г.Мушелнинг фортепиано ва оркестр учун ёзилган Иккинчи концерти мусиқа тарихи орқали яхши таниш. Бу асар ўзбек чолғу концертларининг илк намуналаридан ҳисобланади. Айтиш мумкинки, XX асрнинг 60-йилларигача бу жанр устида фақатгина Г.Мушель иш олиб борган. Бу асар ижрочилик нуқтаи назаридан, фортепиано фактураси ва шакл жихатидан мураккаб ҳисобланади. Маълумки, чолғу концерти мавзуси ўзига хос, кўп қиррали бўлиб одатда яккаҳон созанданинг партияси оркестрга қарама-қарши қўйилади.

XX асрнинг 40-50 йилларида чолғу концерт жанрининг ёрқин намояндаси бўлиб танилган Г.Мушел ўз асарларида ўзбек миллий мусиқий тамойиллари ва оврўпа мусиқий воситаларидан фойдаланиб фортепиано ва оркестр учун Иккинчи концертини бойитган бўлса, кейинчалик №3-4-5-6 рақам остидаги концертларида, ундан сўнг скрипка ва симфоник оркестр учун Концертида ушбу тамойилни давом эттирган. Айтиш мумкинки, қуйида келтирилган асарлардан фортепиано ва симфоник оркестр учун ёзилган Тўртинчи концерт муваффақият қозонган. Қуйида ушбу асар хусусида фикр юритилади. XX асрнинг 50-йилларида ёзилган ушбу асар томошабинлар ва мусиқа намояндалари томонидан яхши қабул қилинган бўлиб, у халқ қўшиқлари ва куйлари, лирик-эпик образларни ўз ичида жамлаган.

Экспозициянинг биринчи қисми уч мавзу асосида қурилади. Асарнинг тузилиши, характери ва мавзуларнинг кетма-кетлиги драматургик жihatдан пухта ўйланганлигидан далолат беради. Шулардан биринчиси кириш мавзусининг унисон тарзида ўзбек мусиқасига хос синкопа ва миллий оҳанглarda кучли драматик характерда янграши хикоянинг лавҳасига ўхшайди.

Асар давомида бош ва ёрдамчи мавзу умумий куйчанлик жihatдан кўшиқсимонлиги, ёрдамчи мавзу бош мавзуга нисбатан жўшқин ўйноқилиги ёрқин кўзга ташланади.

Кириш мавзусининг фаоллиги бутун асар давомида сезилади. Бинобарин, кириш мавзуси экспозицияда яхлитлик ҳосил қилибгина қолмай, ўзида уч муҳим аҳамиятли жihatни бирлаштиради. Булар, хикоянаivistлик, куйчанлик, ва драматургик жihatдан маҳаллийлик ва б.

Бош мавзу ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг негизидa чуқур мазмунли куй ўрин олган. Г.Мушель танлаган лад, ифодавийликни кўрсатиш вазифасини дорий ва эолий ладининг олтинчи поғонаси орқали талқин этган. Оркестр садолари остида эса лирик куйчанликни ҳиргойилагандек ўнг қўлдаги дуоль, чап қўлдаги триоллар билан полиметрия ҳолатини ҳосил қилади.

Куй жуда эркин бўлишига қарамай, динамика, фактура жihatдан жуда яхши ривож топган. Чунончи, асарда ўзбек мусиқасига хос оҳангдошликнинг бошқа кўринишларини учратиш мумкин. Бир-бирига қарши бўлган куй йўналишлари, оғишмаларга бой лад оҳанглари куй ривожидa муҳим аҳамият касб этади.

Композиторнинг ушбу асарида чолғу концертига хос ажратиб бўлмас қисми бу яккаҳон чолғу оркестрга ўрин бериб мавзуга ёрқин аккордлар билан жўр бўлади. Лекин ҳақли равишда ривожланиб бориб, боғловчи вазифасини турли куй йўллари билан тўлдиради. Улардан бири бош мавзу давомийлигини билдирса, келаётган мавзу эса эндиликда янграйдиган куйни олдиндан билдиради. Боғловчи қисм олдин янраган куй матоларидан фарқланади ва ҳеч қаерда такрорланмайди. Шунини таъкидлаш керакки, бу қисм ёрдамчи мавзуга

боғлаб бериш билан чекланмай, ўзининг ёрқин ифодавийлиги, жўшқинлиги, динамик жиҳатдан ранг-баранглиги, шу вақтгача ривожланаётган куй давомийлигининг авжи ҳисобланади. Таҳлил жараёнида асар тематизмига тўхталсак, тематизм авжда кириш мавзусини қўллаган ҳолда ритмик-оҳанг ёрдамида яхлит бирлик ҳосил қилгани муваффақият қозонган.

Ёрдамчи мавзу партияси негизида сокин бўлмаган, рақс руҳидаги куйни учратиш мумкин. Ушбу партия кўтаринки руҳда бўлганлиги боис бош мавзунинг лирик куйига нисбатан характери билан фарқланади.

Ривожлов мавзуда ёрдамчи мавзу партиясини яна кузатиш мумкин, лекин у лирик куйчанликдан драматургик ривожловга ўхшайди. Асар давомида ривожловнинг биринчи қисми кўрсатилгандан сўнг бош мавзуга асосланган лирик лавҳа келади. Оҳангдорлиги жиҳатидан ушбу лавҳа драматизмга яқин.

Ижодкорнинг ушбу лавҳада урма-зарбли чолғулар ифода воситаларидан унумли фойдаланганлиги драматизмни ошириб тингловчини хушёр этади. Фактура турли ҳил бўлиб лавҳанинг ўн олтиталик нўталар билан тонал ўзгаришларнинг кўплиги композиторнинг асосий эксперементларидан. Ўзига хос драматургик жиҳатни бир мунча ўзгартирилган усуллар янада кучайтиради.

Айнан ривожловдан аста-секинлик билан ривожланиб бораётган зиддият ёрқин авжга етиб келади яъни реризага. Жўшқин, таъсирли яқун бош мавзунинг тўла-тўқис мусиқий мазмунини ёритиб беради.

Г.Мушельнинг Фортепиано ва оркестр учун тўртинчи Концертининг иккинчи қисми - Andante бўлиб, у лирик куйчанлик ва вазминлик билан бошланади. Иккинчи қисмнинг асосида сокинлик билан ривожланиб борадиган ифодали куй янграйди.

Тарихга назар солсак, ушбу асар классик анъаналар асосида яратилган. Бир томондан соната-симфоник мусиқанинг иккинчи қисмларига хос сокинлик, бошқа томондан ўзбек куйларига лад ва оҳангдорликни кузатиш мумкин. Унинг оҳангдорлиги куй-қўшиққа яқин бўлганлиги учун кўпгина мусиқа танқидчилари ҳалқ қўшиқларига солиштиришган.

Мавзу ривожлов қисмда ўзига қарама-қарши руҳда бўлган бирламчи мавзуга қайтади. Рондо элементлари билан уч қисмлилик ва финалдан иборат ушбу асар байрамга чакирув ёки кўринки руҳдаги кода билан якунланади.

Композиторнинг юқорида таҳлил этилган Фортепиано ва оркестр учун Концерти унинг барча ижод намуналаридан фарқланади. Мушелнинг ижодида чолғу концерт жанри ўз интерпретаторларини, мушоҳадаларини топди. Чолғу концерт жанрида композиторнинг шу йўналиш қонун қоидаларини ўзлаштирганлиги, шакл масаласига жиддий муносабат билдирилганлиги, мавзуларнинг софлиги ва тематизмни сақлаб қолиш каби мураккаб вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб олганлиги унинг асарларидан билинади.

С.Рахманинов, С.Прокофьев ижодини ўрганган Г.Мушелнинг ижодида ўзбек мусикасининг ўзига хослиги чолғу мусикаси билан мужассамлашиб кетган. С.Рахманиновдан унга лирик куйчанлик, уларнинг тузилиши, мавзуларнинг кетма-кетлиги таъсир этган, С.Прокофьевдан эса ўзига хос драматургик равишдаги ритмлар, (улар ўзбек мусикаси анъаналарига тайанган ҳолда) жошқинлик, бас-остинато йўлининг ишлатилиши ва токкато йўлида ижод қилишни сақлаб қолган.

Таҳлил жараёнида нафақат чолғу концерт жанрининг илк намояндалари ижодидан, балки ҳозирги кунда яшаб ижод қилаётган композиторлар асарларини ҳам кенг кўламда ўрганиб чиқилди. Улардан Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси, профессор Рустам Абдуллаевнинг Фортепиано ва оркестр учун Бешинчи Концерти ижодкорнинг муваффақиятли асарларидан ҳисобланади. Композиторнинг ушбу асари Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, сахнада ижро этилди. Мустақиллик даврида мусика санъатига алоҳида эътибор берилиб мусика ижрочилари ва композиторлар ҳалқаро фестивалъ, танловларда иштирок эта бошладилар. Шунинг натижасида Р.Абдуллаев кўпгина чет эл мусикачилари, дирижёрлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб Беларусия, Таиланд, Озарбайжон каби мамлакатларда бўлди.

Бешинчи Фортепиано ва оркестр учун яратилган Концерт ўзининг замонавий композицион-музикий воситалар ёрдамида ёзилгани, шарқона оҳангдорлиги билан муваффақият қозонган. Композитор ушбу асарини чет эл оркестрлари билан ижро этган. Р.Абдуллаев мохир пианиначи бўлгани боис ўз асарларини доимо ўзи ижро этишга ҳаракат қилган.

Ўзига бадиий-ифодавий ёрқинлиги асарда ўзбек миллий музыкасига оидлиги, тожик халқ кўшиқлари (III қисмда)дан унумли фойдалангани, Таиланд фольклори, полифоник усуллар, ритмик-оҳанглар ва джаз жанрига хос импровизацион равишдаги мураккаб пассажлар.

Бешинчи фортепиано Концерт уч қимлик симфоник циклдан иборат. Унда соната Allegro шакли лирик-куйчан музикий йўл билан бойитилган, шунингдек финал - рақс драматургик оҳангида ўтиб каденцияга олиб келади.

Асарнинг биринчи қисми ранг-баранг бўлиб турли ритм ва мавзунинг ривожини кузатилади. Иккинчи қисм эса биринчи қисмга қарама-қарши равишда фалсафий, лирик-куйчан, чуқур ўйчан музикий оҳангларга бой.


Концертнинг Биринчи қисми Maestoso бўлиб сонато Allegro шаклининг жўшқинлигини ўзида акс эттириб учта fff суръатида янграйди.

Фортепиано ва оркестр учун Концерт кириш мавзуси:

The image shows a musical score for the introduction of the first movement of a Piano Concerto. The tempo is marked 'Maestoso'. The score is written for Piano (Piano) and includes a forte (ff) dynamic marking. The music is in a minor key and consists of several measures of rhythmic and melodic development.


Кириш мавзуси нафақат биринчи қисмда янграйди, у Концертнинг бошқа қисмларда ривожланиб боради. Лейт мавзу сифатида олинган ушбу музикий куй Концертнинг уч қисмини бир-бирига узлуксиз боғланганлигини кўрсатади. Иккинчи қисм Andante суръатида бўлиб асарнинг лирик қисми вазифасини бажаради. Ушбу қисмда инсон ҳис-туйғулари акс эттирилган.

Фортепиано ва оркестр учун Концерт ёрдамчи мавзуси:



Бешинчи Концертнинг учинчи қисми *Allegro moderato* суръатида бўлиб, жўшқин ва байрамона кайфиятда ёзилган. Унинг рондога хос композицион тамойиллари асосида ёзилган ушбу қисм тингловчиларни беихтиёр турли хил байрамлар кўз олдига келтиради. Оркестрда бош мавзунинг янграшига эътибор берилса, унда ўзбек миллий байрамларининг бошланишига хос карнай ва сурнай садолари аҳолини байрамга чорлаш образи тасвирланади. Финалнинг асосий мавзуси ля- минор тоналлигида бўлиб хоразм воҳасига хос рақс суръатидаги куйлар билан ёшликни эслатади.

Фортепиано ва оркестр учун Концерт финал мавзуси:



Р.Абдуллаевнинг Фортепиано ва оркестр учун яратган Бешинчи Концерти ижрочилик нуқтаи назардан мураккаб ҳисобланади.

Яккахон ижрочидан ўзбек миллий ритмларини яхши билишини, синкопаларнинг кучлилиги ва Хоразм куйларини ички ҳис-туйғулар билан куйлашни билиши талаб этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Юқорида кўриб чиқилган барча чолғу концертларида соната шаклининг устун келиши кузатилади. Зеро, бу борада Ўзбекистон композиторлари классицизм ва романтизм даври иждоқларининг чолғу концертларидан андоза олиб ишлагани яққол кўзга ташланади. Соната

шаклининг ишлатилишига асосий сабаб шундан иборатки, соната шакли ўзининг негизида кучли драматик-лирик ривожланувни тақозо этади. Бу эса, умумий композицион драматургияни қизиқарли равишда тузишга имконият яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Апраксина О.А. Методика музыкального воспитания в школе.—М.: 1983. — 124 с.
2. А.П. Парсегова. Анализ музыкальных произведений. Ташкент — “ILM ZIYO” — 2009.
3. А.Жабборов “Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари” — Тошкент
4. Хасанов А. Народная музыка как средство нравственно-эстетического воспитания молодёжи. -Дисс. ... докт. пед. наук. —Т., 1989.- 339 с.
5. Гафурбеков Т.Б. Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества. — Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
6. D. Abdurahmonova (2022). ЧОЛГУАНСАМБЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ. Science and innovation, 1 (С7), 93-100. doi: 10.5281/zenodo.7256697
7. Mirzahid, B. (2022). THE LIFE AND WORK OF THE HONORED ARTIST OF UZBEKISTAN AND KARAKALPAKSTAN, PROFESSOR OTANAZAR MATYOKUBOV AND MUSICOLOGIST SVETLANA MATYOKUBOVA. Gospodarka i Innowacje., 25, 35-38.
8. Абдурахмонова, Дилнозахон Обиджановна (2022). МУСИҚА АНСАМБЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (10-2), 510-521.